



Ер бор, имкон бор,
аммо манзил узоқ...

5-с.

“Ҳар бир кечмиш
ортидаги армонларни
аритяпмиз”

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№44
(2372)

2026 йил
3 июнь,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

**“ТОП-100”: СИЗНИНГ
ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

**“БИЗ РАҚАМЛАР
ОРТИДАН ҚУВМАДИК,
ҲИСОБОТЛАР БИЛАН
ҲИСОБЛАШМАДИК...”**



Йиғинимиз мамлакатимиз
маҳаллалари орасида
“ТОП-100” таликдан ўрин
олгани бежиз эмас.
Бу натижа ортида ҳар бир
хонадон, ҳар бир оила ва
ҳар бир фуқаро билан олиб
борилган тизимли ишлар
муваффақият.

Маҳалламизда бир вақт-
лар ишсизлик, камбағаллик ва
меҳнат миграцияси билан боғ-
лиқ муаммолар мавжуд эди. Биз
ушбу масалаларга рақам сифати-
да эмас, инсон тақдири сифатида
қарадик. Натижада ишсиз сифа-
тида рўйхатга олинган 79 нафар
фуқаронинг барчаси доимий ва
даромадли меҳнат билан банд
қилинди. Бунинг ортидан кўплаб
оилаларнинг иқтисодий аҳволи
яқшиланди, хонадонларга барака
кирди.

Шунингдек, маҳалламиздаги
23 та камбағал оилани мазкур тои-
фадан чиқариш бўйича манзилли
ишлар изчил давом этмоқда. Бу
жараёнда фақат моддий кўмак бе-
риш билан чекланиб қолмапмиз.
Асосий эътибор оилаларнинг ўзи-
ни ўзи таъминлаш имкониятлари-
ни кенгайтиришга, меҳнат қилиш
ва даромад топиш учун шароит
яратишга қаратиляпти. Зеро, ин-
сонни ёрдамга ўргатиш эмас, мус-
тақил ҳаётга тайёрлаш муҳим.

Давоми 2-саҳифада.

ИМКОНИАТ

**ЁШЛАРГА 7 ЙИЛГАЧА
ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ
АЖРАТИЛАДИ**

**“Тадбиркорлик лойиҳаларини
қўллаб-қувватлаш орқали
ёшлар бандлигини
таъминлашга доир кўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги
Президент қарори имзоланди.**

Қарорга кўра, “Ёшлар бизнеси”
дастури доирасида маҳаллалар-
даги 31 ёшга тўлмаган йигит-қиз-
ларга 7 йилгача муддатга 18 фоизли
имтиёзли кредитлар ажратилади.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОНЛАР ТАҚДИРИ, ИШОНЧИ, УМИДИ МУЖАССАМ

**Маҳаллага келиб тушган ҳар бир мурожаат, бу — оддий хат
ёки ариза эмас, у — инсоннинг дарди, оиланинг ташвиши, ҳал
этилмаган муаммо ёки адолат излаган қалб нидосидир.
Фуқаро мурожаат қилар экан, у давлатдан, маҳалладан ечим,
эътибор ва адолат кутади.**

резидентимиз раислигида жор-
рий йил 13 март куни ўтказил-
ган аҳоли мурожаатлари би-
лан ишлаш тизимини такомиллаштириш
масалаларига бағишланган йиғилишда

айтилган фикрлар ҳам айнан шу ҳаётий
ҳақиқатдан келиб чиқади. Давлат раҳбари
барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида
“Ҳар бир инсон ва хонадон муаммосини
билиб, вақтида кўмак беришим керак”,
деган тамойил бош мезон бўлиши шартли-
гини қатъий таъкидлади.

Бу талаб, аввало, халқ билан
давлат ўртасидаги энг яқин кўприк
бўлган маҳалла тизими зиммасига
улкан масъулият юклайди. Зеро,
мурожаатларнинг кўпайиши муаммолар
ошганини эмас, балки одамларнинг
давлат ва маҳаллага бўлган ишончи
ортиб, ўз дардини айтаётганини ҳам
англайди. Энди асосий вазифа ҳар бир
мурожаат ортидаги инсон тақдирини
кўра билиш, муаммонинг сабабларини
аниқлаш ва уни бартараф этишдан
иборат.

Давоми 2-саҳифада.



Энг муҳими, мазкур кредитлар
бўйича асосий қарзни қайтариш учун
1 йилгача, фоиз тўловлари учун 3 ой-
гача имтиёзли давр берилади.
Кредит олиш учун катта гаров та-
лаб қилинмайди. Суғурта полиси ёки
учинчи шахс қафиллиги асосида
100 миллион сўмгача микроқарз
олиш мумкин. Жумладан:

- хорижий тил, ахборот техноло-
гиялари ва замонавий касбларни ўр-
ганиш учун 20 миллион сўмгача;
- онлайн бизнес ва фриланс ло-
йиҳалари учун 50 миллион сўмгача;
- касаначилик ва тикувчилик би-
лан шуғулланувчилар 50 миллион
сўмгача;
- новвойчилик ва ширинликлар
ишлаб чиқариш учун 100 миллион
сўмгача кредит берилади.

“ОЛФА, ЎЗБЕКИСТОН!”

**“Ўғлимнинг
ЮТУҚЛАРИГА
ИЛК ПОЙДЕВОР
МАҲАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА
ҚЎЙИЛГАН”**

Жаҳон чемпионати саралаш босқичининг
ҳал қилувчи палласи. Бирлашган Араб
Амирликларида бўлиб ўтган драматик ўйин.
Барчамиз 34 йиллик орзу рўйбени кўришга
ошиққан дамлар. Сафардаги дуранг натижа
миллий терма жамоамизнинг ўз тарихида
илк бор футбол бўйича Жаҳон чемпионатига
йўл олиши учун етарли бўлди.



Давоми 3-саҳифада.

**БУГУНГИ
СОНДА:**

**Келин одобли
бўлса, албатта,
ҳурмат топади**

Оилалар тинч турмуш ке-
чириши учун, биринчи
навбатда, аёлдан зукколик
ва оқиллик талаб этила-
ди. Бу фазилатлар эса бир
кунда шаклланиб қолмай-
ди. Қизларни кичик ёш-
дан тўғри тарбия қилиш,
ҳаётнинг паст-баландини
тушунтириш жуда муҳим.

4-с.

**Тўғри
тушунтириш —
жазодан кўра
таъсирчанроқ
чора**

Айрим ер эгалари ёки
ижарачилар дала чети-
даги майдонларни эъти-
бордан четда қолдиради.
Натижада ер бўш қолади,
сув таъминоти тизимла-
ри атрофида бегона ўтлар
кўпаяди.

7-с.

**Маҳаллага
“кўз” бўладиган
ходимларга
эҳтиёж катта**

Одамларда оилага бўлган
муносабатни ўзгартириш-
га интиляпмиз. Ажралиш-
лар яхши оқибатга олиб
келмаслиги, оила — муқад-
дас кўрган эканлигини
бола онгига синдиришни
мактабдан бошлапмиз.

8-с.



2026 йил 1 январь ҳолатига юртимизда 14 ёшгача бўлган Ўғил болалар — 6 030 736 нафарни, Қиз болалар — 5 600 143 нафарни ташкил этади.



Ўзбекистонда КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ ҲАЖМИ 145 триллион сўмга етказилади.



Бирлашган Араб Амирлиги билан ҳамкорликда “СИФАТЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ” дастури амалга оширилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Мурожаат ортида инсонлар тақдири, ишончи, умиди мужассам



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси.

РАҚАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 19 минг 138 та мурожаат келиб тушгани аҳолининг маҳалла тизимида бўлган ишончи ва умиди юқори эканини кўрсатади.

Тахлилларга кўра, мурожаатларнинг:

- 10 минг 353 таси (54 фоизи) — ижобий ҳал этилган;
 - 7 022 таси (37 фоизи) — ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар бериш орқали ечим топган;
 - 494 таси (3 фоизи) бўйича тушунтириш берилган;
 - 866 таси (5 фоизи) — ҳозирда ижро жараёнида.
- Бу рақамлар мурожаатлар

билан ишлаш бўйича муайян натижаларга эришилаётганини кўрсатса-да, айрим кўрсаткичлар жиддий таҳлил ва ҳулосалар чиқаришни талаб қилади. Айниқса, умумий мурожаатларнинг 22 фоизи ёки 4 197 таси маҳалла раисларни фаолияти ва хатти-ҳаракатларидан норозилик билан боғлиқ экани соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳали етарлича эканини кўрсатмоқда.

Бу ҳолат баъзи жойларда аҳоли билан мулоқотнинг етарли даражада ташкил этилмаётгани, муаммолар ўз вақтида ўрганилмаётгани ёки фуқароларнинг ҳақли эътирозларига лозим даражада муносабат билдирилмаётганидан далolat беради.

МУАММОНИ ЭМАС, САБАБЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Мурожаатлар статистикасига фақат рақам сифатида қараш етарли эмас. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, оила ташвиши, ҳаётини муаммо турганини англаш муҳим. Шу нуктаи

назардан келиб чиқиб, маҳалла доирасида мурожаатлар билан ишлашнинг янги тизими жорий этилмоқда.

Аввало, ҳар бир ҳудудда мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш ва аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган омиллари аниқлаш мақсадида махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилади. Уларнинг фаолияти Президент Халқ қабулхоналари билан узвий ҳамкорликда йўлга қўйилади.

Шунингдек, ҳар бир мурожаат Маҳаллани қўллаб-қувватлаш

кенгашларида танқидий муҳокама қилиниб, камчиликларга сабаб бўлган омиллари юзасидан аниқ чоралар белгиланади. Уюшманинг ҳар бир бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларида алоҳида замон талабларига мос “Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш хонаси” ташкил этилади.

Энг муҳими, ҳар ҳафтанинг шанба кuni “Мурожаатлар билан ишлаш кuni” сифатида эълон қилиниб, фуқаролар қабуллари, таҳлилий муҳокамалар ва муаммоларнинг манзилли ечимларини ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилади.

РАҚАМЛАШТИРИШ — САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

Бугунги кунда Президент Виртуал қабулхонасининг “pm.gov.uz” порталида ҳар бир маҳалла учун алоҳида электрон кабинет очилгани мурожаатлар билан ишлаш тизимида янги имкониятларни яратмоқда.

Эндилликда маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси ҳар бир мурожаатни кунлик тартибда ўрганиб, унинг мазмуни бўйича тегишли ташкилотларга юборилиши, ижросини назорат қилиши ва натижалар ҳақида ҳокимликларга ахборот кириштириб бориши лозим. Шу билан бирга, мурожаатчилар билан бевосита мулоқот қилиш, жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали қабул қилинган қарорларнинг ҳақиқий самарадорлиги таъминланади.

Мурожаатлар билан ишлаш — оддий идоравий вазифа эмас. Бу инсон тақдири, халқ ишончи ва давлат сиебати самарадорлигини белгилайдиган муҳим мезондир. Маҳалла тизими олдида турган асосий вазифа мурожаатларни қайд этиш ёки уларга расмий жавоб бериш эмас, балки муаммонинг илдизига етиб бориш, уни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш ва фуқаролар розилигини таъминлашдан иборат. Эро, халқ дардини эшитган, инсон манфаатини устувор билган ва ҳар бир хонадон ташвишини ўз ташвишидек қабул қилган маҳалла — тараққиёт ва фаровонлиқнинг энг мустаҳкам таянчидир.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАБУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“БИЗ РАҚАМЛАР ОРТИДАН ҚУВМАДИК, ҲИСОБОТЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШМАДИК...”



Давлатбой ОТАЖОНОВ, Амударё туманидаги Хитой овул фуқаролар йиғини раиси.



Биз эришган энг муҳим натижа — меҳнат миграцияси билан боғлиқ. Йил бошида маҳалламиздан 133 нафар фуқаро турли давлатларда меҳнат қилиб юрарди. Бу рақам ортида эса юрт соғинчи билан яшаётган юзлаб инсонлар, ота меҳрига зор фарзандлар, оиласи бағридан узокдаги қордошларимиз тақдири мужассам эди...

Меҳнат миграцияси фақат иқтисодий ҳодиса эмас. У оиланинг маънавий муҳитига, фарзандлар тарбиясига, маҳалладаги ижтимоий муносабатларга ҳам таъсир кўрсатади. Чет элда меҳнат қилаётган инсон пул топиши мумкин, аммо фарзандининг улғайиш жараёнини, оиласи билан ўтадиган энг қадрли лаҳзаларни ортга қайтариб бўлмайд.

Шу боис биз меҳнат миграциясига фақат иқтисодий жараён сифатида эмас, ижтимоий масала сифатида ёндашдик. Ҳар бир мигрантнинг оиласи билан учрашдик, уларнинг муаммоларини ўргандик, қайтишга тўсқинлик қилаётган омиллари таҳлил қилдик.

Маҳалла, сектор раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар ва тадбиркорлар ҳамкорлигида қайтиб келган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди. Айримлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жойлаштирилди, бошқалари тадбиркорликка жалб этилди, яна бир қисми қасб-хунар ўрганиш орқали ўз фаолиятини бошлади.

Мисол учун, Санъат Кўчқоров 10 миллион сўм кредит эвазига деҳқончилик фаолиятини бошлади, Огабек Курбонбоев эса 33 миллион сўм кредит маблағи ҳисобидан хизмат кўрсатиш тармоғини ишга туширди. Ишсиз сифатида рўйхатга олинган Жавлонбек Ўразимбетов имтиёзли кредит орқали автомобилларни ювиш шохобчасини ташкил этди. Натижада меҳнат миграциясида бўлган 116 нафар фуқаро Ватанга қайтарилди. Бу шунчаки рақам эмас, бу — юздан ортиқ оиланинг қайта бирлашгани, фарзандларнинг ота-она бағрига қайтгани, маҳаллада инсон капитали ва меҳнат салоҳиятининг тикланганидир.



Бугун биз бир ҳақиқатни қуқур англаб етдик: инсон ўз юртида меҳнат қилиб, оиласи даврасида яшаш имкониятига эга бўлса, бу ҳар қандай кўрсаткичдан устун натижадир. Маҳалланинг ҳақиқий тараққиёти ҳам айнан шундан бошланади.

Хитой овули тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, миграция оқибатларига қарши курашнинг энг самарали йўли — одамларнинг ўз юртида муносиб меҳнат қилиши учун шароит яратишдир. Инсонга иш берсангиз, у даромад топади. Даромад топса, оиласи мустаҳкам бўлади. Оила мустаҳкам бўлса, маҳалла тараққий этади. Маҳалла тараққий этса, мамлакат ривожланади.



ФУҚАРО ДАРДИГА ҲЕЧ ҚАЧОН БЕФАРҚЛИК ЙЎҚ

УЮШМА КЎНДАЛИГИ

Жойларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг ҳудудий бошқармалари масъуллари аҳолининг такрорий мурожаатлари таҳлилинини ўрганмоқда.

Ана шундай ўрганишлар доирасида Уюшманинг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи Лочин Облоқулов Қизилтепа тумани маҳаллаларида бўлиб, фуқароларнинг такрорий мурожаатлари ҳолатини бевосита жойига чиққан ҳолда кўздан кечирди. Хусусан, “Зарметан” маҳалласида истиқомат қилувчи Зулфия Бобомуродованинг мурожаати атрафлича ўрганилди. Сўхбат жараёнида унинг ижтимоий аҳоли, турмуш шароити ҳамда мурожа-

атда кўтарилган масалалар муҳокама қилиниб, даволашни харажатларини қоплаш учун моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, оилага озик-овқат маҳсулотлари жамланмаси топширилди. Кўрсатилган амалий ёрдам натижасида фуқарони қийнаб келаётган муаммоларга ечим топилиб, мурожаат ижобий ҳал этилди. Шунингдек, “Узулишкент” маҳалласида яшовчи Икром Сафаровнинг мурожаати ҳам жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Унинг хонадонидида бўлиб ўтган мулоқот давомида такрорий мурожаатларга сабаб бўлаётган омиллари таҳлил қилинди. Хонадоннинг таъмирталаб аҳоли, оилавий ва ижтимоий масалалар юзасидан мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш бўйича масъул ташкилотлар ва мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”

“...қаранг, тафаккур ўзгарса, турмуш тарзи ҳам, ҳаёт мазмуни ҳам, инсон мақсади ҳам ўзгарар экан...”

“Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури доирасида маҳалламизнинг “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”лар қаторига киритилгани барчамиз учун қувончли воқеа бўлди. Бу қарор “Янгиер” ҳаётида мутлақо янги саҳифа очди.

Насиба СУЮНОВА, Қумқўрғон туманидаги “Янгиер” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар талайгина эди. Айрим ички йўللار таъмирталаб аҳолига келиб қолган, ёмғирли кунларда кўчалардан юриш қийинлашган, айрим ҳудудларда тунги ёритиш етарли даражада эмас эди. Электр таъминоти билан боғлиқ масалалар, ариқларнинг носоз ҳолати, пиедалар учун қўлай инфра-тузилманинг етишмаслиги аҳолини уйлантираётган муаммолардан сирасига кирарди. Бу ҳолат бир кунда пайдо бўлмаганидек, уни бир кунда бартараф этиш ҳам мумкин эмас эди.

Бирок бугун “Янгиер”да мутлақо янги қиёфа, янги руҳ ва янги ҳаёт шаклланимоқда. Жумладан, 5,5 километр ички йўللар асфальтланяпти, 0,7 километр пиедалар йўлакчаси қуриляпти. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 0,3 километр янги электр тармоғи тортилмоқда, 60 та бетон

устун ва 2 та янги трансформатор ўрнатилляпти. Шунингдек, маҳалла кўчаларига 160 та замонавий тунги ёритиш чирогой ўрнатилляпти, 0,7 километр ариқларни бетонлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Энг муҳими, бугун маҳалламизда нафақат кўчалар, балки одамларнинг дунёкараши ҳам

ўзгарди. Кеча давлатдан ёрдам кутиб турган фуқаролар бугун ислохотларнинг бевосита иштирокчисига айланди. Улар маҳалла тақдирига бефарқ бўлмаслик, ўз уйи ва кўчасини обод сақлаш, жамоат ишларида қатнашиш орқали тараққиётга ҳисса қўшмоқда.

Энди “Янгиер”да одамлар ўз маҳалласи билан фахрланишни бошлади. Эрталаб ишга ёки ўқишга йўл олган инсон ҳам, кечқурун оиласи бағрига қайтган фуқаро ҳам атрафдаги ўзгаришларни кўриб, ўзини катта ислохотларнинг бир бўлаги сифатида ҳис этаёттир.



Тараққиёт фақат қурилишлар билан эмас, одамларнинг тафаккуридаги ўзгаришлар билан барқарор бўлади. Маҳаллада кечаётган жараёнлар ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқламоқда. Бир вақтлар йиғилиб қолган муаммолар билан тилга олинган ҳудуд бугун ободлик, ҳамжихатлик ва бунёдкорлик тимсолига айланиб бораёттир.



Ўзбекистонлик футболчилар МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ўртасидаги Жаҳон чемпионатида ғалаба қозонди.



Тадбиркорларга божхона божини 120 кунгача кечиктириб ёки БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ имконияти яратилади.



Ўзбекистонда маданият ва санъат вакиллариغا ИПОТЕКА КРЕДИТИ дастлабки тўловининг 50 фоизи қоплаб берилади.

**2026 йил
3 июнь,
ЧОРШАНБА**

Mahalla №44

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”


“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?



ХОРАЗМ

“Биз ташаббус кўрсатдик, хориждаги ҳамюртлар ҳам ортига қайтди”

“Бугунги ишни эртага қўйма”, деган нақлни ҳаётини ширинга айлантириб олганман. Шу боис маҳаллада аниқланган ҳеч бир муаммо ечимсиз қолма-япти. Нафақат шаҳарда, балки вилоятда ҳамма бизга “тадбиркорлар маҳалласи”, деб ҳавас билан қарайди. Чиндан ҳам, хонадонларга кирсангиз, бўш ёки бекорчи, боқиманда кайфиятдаги инсонни топа олмайсиз. Келинг, сўз исботи билан деганларидек, аниқ мисолларга ўтайлик.



GULSHAN MAHALLASI

Умидбек САПАЕВ, Урганч шаҳридаги “Гулшан” маҳалласи раиси.

Худудда фаолият олиб борётган “Zamin speedy food” ўқув марказида ишсиз хотин-қизлар пишириқ тайёрлаш сир-асрорини бепул ўрганишади. Маъзур ўқув марказида бир йилда 900 нафар талабгорни ўқитиш имконияти бор. Бирок маҳаллада бунча ишсиз аёл йўқ. Шу боис ишлар Урганч шаҳар миқёсида амалга оширилади.

Ўқув курсларини тамомлаган хотин-қизларга сертификат берилиб, касаначи сифатида ишга қабул қилинади. Қолаверса, эртага ўз фаолиятини йўлга қўйиши, бандлигини таъминлаши, энг муҳими, оилавий даромадга эга бўлиши учун молиявий қўмақлашамиз. Мисол учун, Умида Ражабова ҳоким ёрдамчисига гузаллик салони очиш ниёти

борлигини билдирганди. Унга “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, гузаллик салони ташкил этишда амалий ёрдам бердик. Натижа яхши бўлди. Шу боис яна 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, хонадонда умумий овқатланиш шохобчаси фаолиятини йўлга қўйди. Бу орқали оила аъзолари

нинг ҳам бандлиги таъминланди. Кўп қаватли турар жойлар ёнида бўш турган ер майдонлари тадбиркорларга аукцион орқали берилиб, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш шохобчалари ташкил этилди. 2025 йилнинг ўзига 32 та тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Бу орқали 216 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шу билан ишсизликдан, жиноятчиликдан холи худудга айланмади.

ТАШАББУС

“Янги лойиҳани жорий этсак, 30 та иш ўрни яратилади”

Аслида, изланасак, имкониятлар кўп. Бу фикр исботини ўз тажрибамда кўриб, гувоҳ бўляпман. Худудда йиллар давомида фойдаланилмаган зовур бўлар эди. Ўйлаб, чамалаб кўрсак, бандликни таъминлаш учун зўр имконият экан.



Ақбар АБДУРАҲИМОВ, Нурафшон шаҳридаги “Дехқонбод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

“Еттилик” билан келишиб, уни амалиётга жорий этдик. Зовур атрофини ўраб, 18 та хонадонга 2 мингга яқин ўрдак тарқатдик. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида бажарилган ушбу лойиҳа маҳалла аҳли учун қўшимча даромад манбаига айланди. Жами 22 та иш ўрни яратилди. Айни пайт ишсизликдан холи худудимиз. Камбағаллик даражаси ўтган йили 2,14 фоиз эди. Жорий йил бу рақам 1,8 фоизга пасайди.

Биргина Баҳром Эргашев мисолида кўрадиган бўлсак, у кунига 50 та ўрдақдан 20 та тухум оляпти. Келгусида парранда гўшти етиштиришни ҳам йўлга қўймоқчи. Энди шу яратилган имкониятни 18 та оилага менгасак, шунча хонадон аъзолари қўшимча даромад манбаига эга бўлади. Дурдона Мухаммаджонова парваришида имконияти чекланган шахс бўлгани боис мунтазам уй шароитида бўлишига тўғри келарди. Бироқ бу ҳолат унинг меҳнат қилиш, ривожланиш ва ўз даромадига эга бўлиш йўлидаги интилишларига тўсқинлик қилмади.



ТОШКЕНТ В.

Қизиқишига кўра, унга 60 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳамда субсидия асосида скутер қурилмаси ажратилди. Томорқасида иссиқхона ташкил этиб, ўзи билан бирга, 2 нафар оила аъзосининг бандлигини таъминлади.

Шу қораларда яна бир лойиҳани амалиётга жорий этиш устида ишляпмиз. Яъни, ҳар бир хонадон ташқи қисмида суриток қуриб, узумчиликни оммалаштирмоқчимиз. Бунинг учун давлатдан субсидия ажратилса, камида 30 та янги иш ўрни яратилар эди.

Гувоҳ бўлганимиздек, ҳар бир инсон тақдирини ўз қўли билан яратиш иштиёқида яшаётди. Бунинг учун уларда хоҳиш, биздан қўллов бўляпти.

Муаммони бартараф этиш учун, авваламбор, гулларни тўкилишига олиб келадиган сабабларни йўқотиш лозим. Жумладан, азотли ўғитлар миқдорини камайтириш, доимий равишда иссиқхонани шамоллатиш, ҳароратни назорат қилиш керак.

Юқоридаги тадбирлардан ташқари, сунъий чанглатиш яхши самара беради. Кўпинча чанглатиш шамол ёрдамида амалга ошади. Бироқ етарли хаво айланма-



Яқинда яна бир ташаббусга қўл урдик. Марғилонлик хунармандлар кўмагида Хоразмда ягона бўлган адрас корхонасини очдик. Ускуна ва хомашёни Марғилон шаҳридан олиб келдик. Уйда ўтирган 50 нафар аёл касбга ўқитилиб, ишга қабул қилинди.

Бу ўзгаришлар, ҳатто, хорижда ишлаб юрган маҳалладошларни ҳам ватанга чорляпти. Хилола Шерова ана шундай хотин-қизлар вакиласи. У хонадонда оилавий пишириқ тайёрлашни йўлга қўйди. Бунинг учун “еттилик” зарур қўмақ кўрсатди.

Режалар бундан-да, улкан. Туризм кўчаси сифатида белгиланган Абулғози Баҳодирхон кўчасида яна 5 та тадбиркорлик объекти қуриляпти. Ҳар бирда 9-10 нафардан иш ўрни яратилади. Бу нафақат ўз маҳалламиздаги, балки кўшни маҳаллалардаги аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини беради.

ТАВСИЯ

НЕГА ПОМИДОР ГУЛЛАСА-ДА, МЕВА ТУГМАЙДИ?

Ўтган йили бир маҳаллага борганимизда, ён кўшнлар томорқасига эккан помидордан икки хил ҳосил олганига гувоҳ бўлганмиз. Биринчи эккин танаси мевасини кўтара олмаётган бўлса, иккинчисидagi аксинча манзара ҳайронлигимизни оширган.

Шодмон НАМОЗОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Суриштирсак, улар айнан экинни парваришда икки хил ёндашган экан. Вақтида суфурган, тўғри агротехник тадбирни амалга оширган хонадон эгаси помидордан мўл ҳосил олган.

Баъзан томорқа эгалари помидор гулласса ҳам, мева тугмастидан шикоят қилади. Ваҳоланки, кўчлар асосий ерга ўтказилгандан кейин яхши авж олган, касал бўлмаган ва гуллаган. Бироқ шунга қарамай мева тугмаган. Ҳўш, бунга сабаб нима?

Мутахассислар фикрича, чангланмагани, азотнинг кўпайиб кетиши, ортиқча суфурланган, совуқ хаво, хаддан ташқари иссиқ ҳарорат, озуқа етарли эмаслиги мана шундай ҳолатни юзага келтиради.


Муаммони бартараф этиш учун, авваламбор, гулларни тўкилишига олиб келадиган сабабларни йўқотиш лозим. Жумладан, азотли ўғитлар миқдорини камайтириш, доимий равишда иссиқхонани шамоллатиш, ҳароратни назорат қилиш керак.

Юқоридаги тадбирлардан ташқари, сунъий чанглатиш яхши самара беради. Кўпинча чанглатиш шамол ёрдамида амалга ошади. Бироқ етарли хаво айланма-

ганида ургочи гуллар чангланмай қолади ва натижада мева тугмайди. Бундай шароитда экинларнинг чангланishi учун ёрдам бериш лозим.


Помидорларнинг сунъий чангланishi учун шунчаки пояларни (помидор туларини) сал-сал силкиб чиқиш мумкин. Буни қуруқ ва илиқ кунда бажарган яхши. Шу йўл билан пуч гулларнинг миқдорини уч бараварга камайтиришга эришилади. Юқоридаги тадбирлар тўғри бажарилса, помидор ҳосили мўл бўлади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



“ОЛФА, ЎЗБЕКИСТОН!”

“Ўғлимнинг ЮТУҚЛАРИГА ИЛК ПОЙДЕВОР МАҲАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА ҚЎЙИЛГАН”



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Вакилларимиз БААга қарши ўйинда ғалабага тенг дурангага эришди. Шу орқали футбол буйича Канада, Мексика ва АҚШ давлатлари мезбонлигида ўтадиган Жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри йўлланма эгасига айландик. Миллий терма жамоа ҳар бир аъзосининг исми-фамилияси диллардан тилларга кўчди.

Улар орасида Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси **Одилжон Ҳамробеков**нинг исми ҳам кўп бор эътироф этилди.

— Футболчиларимиз Янги Ўзбекистоннинг янги тарихини ҳар соат, ҳар қадамда катта ҳарфлар билан ёзишмоқда, — дейди **Наманган туманидаги “Оқер” маҳалласи раиси Шокиржон Ҳайдаров.**

— Жаҳон чемпионати иштирокчисига айланган миллий терма жамоа аъзоси **Одилжон Ҳамробеков** маҳалламиз фарзанди эканидан фахрланамиз.

Бир нарсани алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатдаги бирор соҳанинг дунё миқёсида тан олинishi замирида бошқа жиҳатларнинг ҳам тараққий этиши ётади. Шу маънода ўзбек футболининг жаҳонга бўйлашиши, аслида юртимизнинг тез суръатларда ривожланиб бораётганининг исботидир. Аслида, Жаҳон чемпионатида йўл маҳалладан бошланган, бу ютуқ юртимизда болалар футболни ривожлантиришга қаратилган эътибор маҳсули, десак янглишмаган бўламиз.

Одилжоннинг дадаси, Соҳибжон ака ҳам ёшлигида футболга қизиққан. Унинг орзусини фарзанди ушлатирди.

— Аввало, Ватанимиз футболчиларини қўллаб-қувватлаган Президентимизга алоҳида раҳмат айтаман, — дейди **Соҳибжон Ҳамробеков.** — Юртимизда спортга берилган эътибор туфайли шундай юксак чўққини забт этдик. Уша кунни амирлик мухлисларининг “Ўзбекларнинг ўйинчилари кучли”, деган терма жамоаси мураббийи **Равшан Ҳайдаров** каби устозларига ҳам алоҳида раҳматимни айтаман!

У болалиқдан спортга ўзгача меҳр қўйган. 2011 йилда Намангандаги мусобақада “Насаф” футбол академияси мураббийлари эътиборига тушди. Шу тарихи Қаршидаги тайёрлов мактабига қабул қилинди. Тез орода жамоанинг кашф этилган аъзоси сифатида тақдирланди. Мана, бугун миллий терма жамоанинг фойдали ўйинчиларидан бири. Мактаб давридаги биринчи мураббийи **Маҳмуджон Раҳимов**, “Насаф” жамоаси мураббийи **Рузиқул Бердиев**, ёшлар терма жамоаси мураббийи **Равшан Ҳайдаров** каби устозларига ҳам алоҳида раҳматимни айтаман!

Тарихий натижа қўлга киритилганда бир зум **Одилжоннинг** болалиги кўз олдидан ўтди. Қор кечиб, тўп уйнаганларини, футболни деб оромини йўқотгани, биров касалликка чалингани, ҳатто майдонга тушиши тақиқлаб қўйилгани — ҳамма-ҳаммасини эсладим. У жамики ютуқларига ҳалол меҳнат, одоби ва халқимизнинг оқлиши билан эришди. Шуниси билан забт этилган чўққи янада кадрлидир!

Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз гуруҳ босқичда Колумбия, Португалия ва Конго Демократик Республикасига қарши майдонга тушади.

Ҳа, қоғозда рақиблар анча ваҳимали кўриниши мумкин. Лекин, бу — Жаҳон чемпионати! Бу ерга ҳеч қандай сифатида йўлланма олмайди. Гарчи мусобақа биз учун дебют бўлса-да, вакилларимиз майдонга рақибларнинг номидан ҳайқиш учун чиқишмайди. Насиб этса, яшил майдонда охиригача курашиб, миллионлаб ватандошлар ишончини оқлашади ва Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилишади.



Ўзбекистонда умумтаълим ва музика мактаби ўқитувчиларига 20 ФОИЗГАЧА УСТАМА тўланади.



Илмий даражалар беришда ЧЕТ ТИЛИ ФАНИДАН МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ТОПШИРИШ талаби бекор қилинади.



2026 йил 1 сентябрдан ашула ва рақс ансамбллари ходимларининг ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИ ИККИ БАРАВАР ОШИРИЛАДИ.

4

Mahalla №44

2026 йил 3 июнь, ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“...ишонасизми, “еттилик”нинг қарорисиз муаммо ечилмайди”

Маҳалла оддий идора эмас. Бу ерда инсонларнинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлади. Кемтик кўнгиллар оғриқларига малҳам излаб келса, дардга тўла қалблар дардкашга муҳтож. Уларга далда бериш учун эса ҳар бир ходимдан фидойилик талаб этилади.



Гулбахор МАҲМУДОВА, Норин туманидаги “Кемабоши” маҳалласи раиси.

2004 йилдан буён мазкур тизимда фаолият юритиб, жуда кўп ҳолатларга гувоҳ бўдим. Турли феъл-атвордаги кишилар билан суҳбатладим. Баъзан шу даражада ишимга берилиб кетганимдан, оиладаги ҳал этилиши керак бўлган масалалар ҳам ёдимдан кўтарилиб кетади. Бутун умримни халқимнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi учун бағишлаётганимдан жуда хурсандман.

Айни вақтда маҳалламизда 3 155

нафар ғуқуро истиқомат қилади. Улар билан биргаликда эришиш мумкин бўлган барча ютуқларни қўлга киритдик. Жиноятчилик ва ажрашишларга барҳам бердик. Ишсизлар деярли қолмади. Бунда “еттилик” ходимларининг барчаси олий маълумотли бўлгани учун ҳар бир қарорни ҳамфиқриликда, чуқур мулоҳазага асосланиб қабул қилишимиз асосий омиллардан бири сифатида хизмат қилмоқда.

Ҳар тонг идорада йиғилиб, кун давомидаги режаларимизни муҳокама қиламиз. Кечга бориб, уларни нечоғли уддалаганимиз ҳақида бир-биримизга ҳисобот топшираимиз. Шу ёндашув асосида фаолият ташкил этиб, сира кам бўлмаяпмиз. Энг муҳими, аҳоли вакиллари билан манзилли ишлаш имкони юзага келяпти.

Жорий йилнинг шу даврига қадар тадбиркорликни ривожлантириш учун маҳалла аҳлига 1 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Тақдим этилаётган маблағ ҳудудимизда чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантиришга йўналтириляпти.

Куни кеча фарель балиғини етиштиришни мақсад қилган ака-ука Уткирбек ва Одилбек Холмуродовларга 50 ва 40 миллион сўмдан субсидия ажратилди. Худудимиз Қорадарё бўйида жойлашгани боис аҳоли вакиллари билан балиқчилик бўйича узоқ йиллик тажрибаси бор. Бу оилалар даромадини ошириш, бандликни таъминлашда катта дастак вазифасини ўтапти.



Одамларимизнинг бир-бирига меҳр-муруввати баланд. Улар тўй ва маъракаларда ҳамisha елкадош. Ўзига тўқ оила эгалари муҳтожларни қўллаб-қувватлашни доимий анъанага айлантирган. Шу залда эҳтиёжмандларнинг хонадонлари таъмирдан чиқарилляпти, беморлар шифо топяпти.

Гуруч қурмақсиз бўлмаганидек, ҳар бир ҳудудда боқимандлик кайфиятига берилган кишилар учраши аниқ. Баъзан ўзига тўқ бўла туриб, идорага бола пули сўраб келадиганлар ҳам топилади. Уларга тушунтиришга қанча ҳаракат қилмайлик фойда бермаяпти. Шу каби оилалар билан ишлаш самардорлигини ошириш учун психологлар жалб этилишини таклиф қилмоқчиман. Соҳа мутахассислари уларга ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ва бундан унумли фойдаланишни ўргатса, муаммоларимиз янада камайган бўлар эди.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Келин одобли бўлса, албатта, ҳурмат топади

Маҳалла тизимида ҳеч қандай масалани эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ҳаммаси бир-биридан долзарб. Айниқса, хотин-қизлар йўналишида жиддий ёндашув талаб қиладиган муаммолар талайгина.

Оилалар тинч ва фаровон турмуш кечирishi учун, биринчи навбатда, аёлдан зукколик ва оқиллик талаб этилади. Бу фазилатлар эса бир кунда шаклланиб қолмайди. Қизларни кичик ёшдан бошлаб тўғри тарбия қилиш, ҳаётнинг паст-баландини тушунтириш жуда муҳим. Айни йўналиш бўйича доимий изланишдамыз. Ҳозиргидек ахборот технологиялари ривожланган бир даврда, ёшларимизни миллий қадриятларга асосланган тарзда улғайтиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шу мақсадда нуруний онахон ва намунали оила бекалари билан учрашув ва тадбирлар ўтказилляпти. Олтинга тенг масалаҳатлар қизлар учун катта мактаб вазифасини ўтапти.

Назокат САФАРОВА, Самарқанд шаҳридаги “Мингтут” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Айни вақтда ҳудудимизда 1 010 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги ўқимишли, давлат ташкилотларида фаолият юритади. Бундан ташқари, ўз тадбиркорлигини бошлаётган, хонадонига даромад кириши учун муносиб хисса қўшаётган аёллар ҳам анчагина.

Фарангиз Ҳамроқулова йиллар давомида уйда ишсиз ўтирди. Бу эр-хотин орасидаги кўпқабатли вазиятларга сабаб бўлаётган эди. Муаммодан хабар топиб, унга ечим топишга киришдик. Аввало, аёлнинг кизиқлигини ўргандик. Суриштирсак, бисер тикишни билар экан. Хунарини

янада мустаҳкамлаши учун уни ўқув курсларига йўналтирдик. Шундан сўнг маҳалла тавсияси билан 35 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Керакли анжомлар харид қилинган, Фарангиз астойдил ишга киришди. Ҳозирги кунда 10 нафар ходими билан бирга келинлар учун миллий услубда зеб берилган либослар тикяпти. Бир неча хорижий мамлакатлардаги кўргазмаларда иштирок этиб, илҳосмандлари сафини янада кенгайтиряпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Муҳайё СОБИРОВА, Тошкент вилояти:

— Юртимизда ёшларни турмушга тайёрлаш ҳамда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида қандай янги лойиҳа ва ташаббуслар амалга ошириляпти? Тақдим этилаётган имкониятлардан қимлар фойдаланиши мумкин?

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?



Ситора РАҲМОНБЕРДИЕВА, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда оилавий маслаҳат хизматларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, жорий йил 20 майдан туман ва шаҳарлардаги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган оилавий маслаҳат пунктлари ташкил этилди.

Мазкур пунктларда никоҳдан ўтаётган ёшлар, турмуш қурганига 5 йил бўлмаган ёш келин-қуввлар, турли муаммоларга дуч келган оилалар учун психологик, ҳуқуқий ва тиббий маслаҳат хизматлари кўрсатилляпти.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Тадбиркорликда интилиш ва иштиёқ муҳим, маблағ муаммо эмас...

Бугун айримлар омадини чет элдан излаб юрган бир пайтда, Равза онахоннинг меҳнат фаолияти “ҳаракат қилган инсон, албатта, натижага эришади”, деган ҳаётий ҳақиқатни яна бир бор исботляпти. Чунки, оилавий тадбиркорликни бошлаш учун катта маблағ эмас, аввало, иштиёқ, меҳнат ва интилиш тақозо қилинади.



Вазира СОДИҚОВА, Когон шаҳридаги “Адолат” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи Равза Галиакбарова бу йил умрининг 75-баҳорини қарши олди. Табарруқ ёшли онахон бугун ўз меҳнати, шижоати ва тадбиркорликка бўлган интилиши билан кўпчиликам, айниқса, ёшларга ибрат бўлиб келмоқда.



Этиборлиси, Равза буви бу ишга нафақат даромад манбаи, балки сеvimли машғулот сифатида ёндашади. Нуруний онахон ҳар бир жониворни меҳр билан боқиб, кўпайтириб, ўзининг бой ҳаётий тажрибасини амалий меҳнат билан уйғунлаштирган.

Очиғи, фидойи онахоннинг ғайрати ва меҳнатсеварлиги маҳалладаги аёлларга илҳом бағишляпти. Зеро, ёш муҳим эмас, ҳаракат, мақсад ва изланувчанлик долзарб. Равза опа сингари нуруний ёшда ҳам хотиржамликка берилмасдан, даромад топаётган аёллар бор экан, юртимизда меҳнат қадри ва тадбиркорликка бўлган кизиқиш янада ортиб бораверади.



Диёра Усмонқулова турфа синовларни бошдан кечирган аёллардан. Турмуш ўртоғи билан келиб чиққан мижоз сабаб ота уйига қайтиб келган. Лекин ҳаёт ҳаракатдан иборат. Бир жойда тўхтаб қолиш ярамайди.

Хали ёш, куч-ғайратга тўла қизимизни бирор машғулот билан банд бўлишга ундадик. Тавсияларимиздан кейин шоколадли кулпундай тайёрлаб сотишни йўлга қўйди. Тез орада турмуш ўртоғи билан муносабатларини изга солишига ишончимиз қомил.

Маҳалланинг гапи шунақа, ҳеч тугамайди. Биз эса сўздан кўра, амалий натижаларни кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Шундагина кимнингдир муаммосига ечим топилади, яна бировига нафимиз тегади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.



Ҳар йили мактаб ўқувчиларининг китоб ўқишга қизиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилган Миллий китобхонлик ҳаракати ўтказилади.



Ўқитувчи, шифокор ва талабаларга театр ҳамда концертлар учун БЕПУЛ ВАУЧЕР БЕРИЛАДИ.



Ўзбекистонлик ёшларни ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН хорижий маданият-санъат даргоҳларида ўқитиш йўлга қўйилади.

2026 йил
3 июнь,
ЧОРШАНБА

Mahalla №44

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ТОШКЕНТ В.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Ҳар бир йигит-қизнинг қалбида орзу бор, фақат ўша орзунинг уйғотадиган, унга йўл кўрсатадиган инсон керак. Баъзан ёшлар дангаса ёки лоқайд бўлиб кўринади. Аслида эса кўпчиликка имконият, ишонч ва озгина кўмак етишмайди.

Ер бор, имкон бор, аммо манзил узоқ...



САМАРҚАНД

Аскар РЎЗМЕТОВ,
Кўшкўпир туманидаги “Незахос” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда ёшлар сони анчагина. Ёшлар етакчиси сифатида асосий вазифам — уларнинг муаммоларини ўрганиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва бандлигини таъминлашдан иборат. Фаолият бошлаганимда маҳалламизда 13 нафар ишсиз ёш руҳиятда турарди. Уларнинг аксарияти иш тополмаётганидан эмас, балки қайси йўналишда ҳаракат қилишни билмаётганидан қийналаётган эди.

ган эди. Сўхбат давомида унинг техникага қизиқишини билдим. Тадбиркорлардан бири билан гаплашиб, уни эшик ишлаб чиқариш цехига ишга жойлаштирдик. Дастлаб оддий ёрдамчи бўлиб ишлади. Орадан бир неча ой ўтиб, касб ўрганиб, мустақил ишлай бошлади. Бугун у ўз даромадига эга, оиласига ёрдам берапти ва келажак учун режалари ҳам бор. Шу каби мисоллар ёшлар билан ишлашнинг нақадар муҳим эканини кўрсатади.

Биз фақат бандлик билан чекланиб қолмаямиз. Ёшларнинг фаоллигини ошириш ҳам асосий мақсадларимиздан бири. Тўғриси, иш бошлаган кезларимда айрим ёшларнинг қизиқиши пастлиги, ташаббуси сустлиги мени ҳам ўйлантирган эди. Аммо вақт



Мен ишонманки, ёшларга берилган эътибор ҳеч қачон зое кетмайди. Бугун касб ўрганаётган, спорт билан шуғулланаётган ёки тадбиркорликка қадам қўяётган йигит-қизлар эртага маҳалланинг таянчига айланади. Шунинг учун ҳар бир ёшнинг ютуғини маҳалламизнинг ютуғи, деб биламан.

Бугун эса тадбиркорларимиз билан ҳамкорликда ёшларни ишга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Маҳалламизда эшик-ром ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар, савдо дўконлари, новвойхоналар, сартарошхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган ишбилармонлар бор. Иш излаб муружаат қилган ёшларни шу йўналишларга йўналтириб, уларнинг бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Яқинда бир йигитнинг ҳолати менга катта таассурот қолдирди. У мактабни битиргандан кейин бир неча йил давомида мақсадсиз юрди. На ўқишга кирган, на бирор касб эгаллаган эди. Кўп вақтини телефон билан ўтказар, ўзига бўлган ишончи ҳам пасайиб кет-

ўтиши билан уларда ўзгариш бўлаётганини кўряпман. Ҳозир шахмат, футбол ва бошқа спорт мусобақаларини мунтазам ташкил этяпмиз.

Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозир ёшлар энг кўп кўтараятган масалалардан бири — ер ажратиш билан боғлиқ. Айрим ёшлар деҳқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланиш истагини билдирмоқда. Имконият мавжуд, бироқ ажратилиши мумкин бўлган ер майдонлари маҳалламиздан анча узоқда жойлашган. Бу эса транспорт ва қатнов масаласида қийинчилик туғдирапти. Мазкур муаммо юзасидан мутасаддилар билан биргаликда иш олиб бораёпмиз. Ёшлар учун қўлайроқ шароит яратиш ва амалий ечим топиш устида изланишлар давом этмоқда.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЮКСАЛИШНИНГ СИРИ КАТТА МАБЛАҒЛАРДА ЭМАС, АҲОЛИНИНГ БИРЛИГИ ВА МЕҲНАТИДАДИР!

“Маҳаллани бино ва йўллар эмас, одамларнинг меҳнати ва бирлиги обод қилади”, деган гап бор. Мен бу фикрнинг нақадар тўғри эканига ҳар куни амин бўламан. Чунки маҳалламизда эришилган ҳар бир ютуқ, қурилган ҳар бир йўл ортида халқимизнинг меҳнати, сабри ва бирдамлиги мужассам.



Абдуҳад ЭРҒАШЕВ,
Куйи Чирчиқ туманидаги “Юлдуз” маҳалласи раиси.


Кўпчилик балиқ дастурхонга қандай етиб келишини билмаслиги мумкин. Аслида, бу узоқ ва машаққатли жараён. Аввало, балиқлар сунъий равишда урчилади. Сўнгра жуда майда личинкалар пайдо бўлади. Улар махсус парвариш қилиниб, аста-секин ўстирилади. Вазни тахминан 100 граммга етгач, алоҳида ҳавзаларга кўчирилади. Кейинги босқичда улар мунтазам озиклантирилади ва бир йил давомида 1-2 килограммгача вазн олади. Одатда, балиқ савдоси август ойидан бошланиб, баҳор фаслигача давом этади.

Балиқчилик ривожлангани сабабли маҳалламизда ишсизлик деярли учрамайди. Хунари ёки доимий иши бўлмаган фуқаролар балиқчилик ҳўжалиқлари ишга кириб, тажриба орттирмоқда. Тадбиркорлар нафақат иш беради, балки ёшларни касбга ўргатади, йўл-йўриқ кўрсатади. Шунинг учун ҳам “Ҳар кимнинг ризқи бўлак”, деган ҳикматли сўзнинг ростлигига яна бир бор амин бўламан.

Бугун қўллаб-қувватлаш ҳақида маҳалламизда муносиб даромад топапти. Айрим оилаларда ўртача ойлик даромад 8 миллион сўмни ташкил этса, 15-20 миллион сўмгача даромад олаётганлар ҳам бор.

Келажак режалари ҳам талғини. Маҳалламиздаги 4 та стадионни қайта таъмирлашни мақсад қилганмиз. Ёшларга берган ваъдамиз бор: стадионларга янги ўриндиқлар ўрнатиш, замонавий шароит яратиш ва тунги вақтда ҳам спорт билан шуғулланишлари учун 12 та ёриткич чироқ ўрнатишни режалаштирганмиз.

Маҳалламизнинг бугунги қиёфасига қараб шуни ишонч билан айта оламкин, тараққиётнинг сирини катта маблағларда эмас, балки халқнинг бирлиги ва меҳнат бор экан, маҳалламиз янада обод, халқимиз янада фаровон бўлиб бораверади.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нодирбек ШОДИЕВ. Навоий вилояти:

— Мен раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиси дарс машғулотларидан ташқари вақтда ўғрилиқ содир этган. Мазкур ҳолат мактабнинг жиноятлар рўйхатига киритилиб, юқори ташкилотлар синф раҳбари, директор ўринбосари ва мактаб психологига нисбатан интизомий чоралар қўллаш масаласини кўрмоқда. Ўқувчининг дарсдан ташқари вақтда содир этган ҳуқуқбузарлиги учун педагог ходимларни жавобгарликка тортиш асослими?

ЎҚУВЧИ СОДИР ЭТГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ЎҚИТУВЧИ ЖАВОБГАРМИ?



Қодир НОРБЕКОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Амалиётда учрайдиган “ўқувчи содир этган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун тўғридан-тўғри синф раҳбари ёки мактаб маъмуриятини жавобгар қилиш” ҳолатлари ҳуқуқий нуқтаи назардан тўғри эмас. “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасида ота-оналар ва қонуний вакилларнинг фарзанд тарбияси, унинг маънавий ва жисмоний ривожини таъминлаш экани аниқ белгиланган. Шунингдек, Оила кодексининг 73-моддасида ота-она болалар тарбияси ва уларнинг ҳуқуқ-атвори учун умумий масъулиятга эга экани қайд этилган.

Демак, ўқувчининг дарсдан ташқари вақтда содир этган ҳуқуқбузарликлари учун асосий ҳуқуқий масъулият мактабга эмас, балки оила институти зиммасига юклатилади. Мактаб педагоглари ва раҳбарияти эса қонунчиликка қўра тарбиявий-профилактик вазифаларни бажаради.

Фақатгина истисно ҳолатларда — агар педагог ёки маъмурият ходими ҳуқуқбузарлик қасддан шерик бўлган, уни яширган ёки ўз хизмат вазифасини қўпол равишда бажармагани аниқ ва далиллар билан исботланган бўлса, меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий ёки бошқа жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

“ЁЗ — 2026”

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН ТАШАББУСЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ

Болалар ҳаракати сардорларининг анъанавий анжумани доирасида “90 кун маҳаллаларда Болалар ташкилоти билан” лойиҳасига старт берилди.

Мазкур ташаббус ёзги таътил даврида маҳаллалардаги болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган.

Анжуман давомида сардорлар учун “Болалар югуриш марафони”, “Эрталабки бадантарбия”, турли тренинг ва семинарлар ташкил этиляпти. Хусусан, “Uz Combinator” лойиҳаси доирасида ёшлар лойиҳа яратиш, тадбиркорлик ва инновацион фикрлаш бўйича зарур билимларга эга бўлмоқда.

Худудлардан ташриф буюрган фаол сардорлар маҳаллалардаги минглаб болаларнинг ёзги таътилинини янада қизиқарли ва самарали ўтказиш юзасидан ўз ғоя ва ташаббусларини илгари сурмоқда. Ёз давомида маҳаллаларда спорт мусобақалари, ижодий танловлар, китобхонлик тадбирлари, маънавий-маърифий учрашувлар ҳамда кўнгилочар лойиҳалар ташкил этилиши режалаштирилган.

Бундай тадбирлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва лидерлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.





Ўзбекистонда 2026 йил январь-апрель ойларида 148 МИНГ 859 ДОНА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ ишлаб чиқарилди.



Кинематография комиссияси, Миллий ва Бадий кенгашлар ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛАДИ.



Давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТЛАРИНИ ИНСПЕКЦИЯДАН ўтказиш тартиби белгиланди.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болаларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, уларни жамият ҳаётига фаол мослаштириш ҳамда тенг имкониятлар яратишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу борада Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими тизими ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: БАҒРИКЕНГЛИК, ЎЗARO ҲУРМАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИ

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Бужоро вилоятидаги умумтаълим мактабларида инклюзив таълим ташкил этилган муассасалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилгача 25 та мактабда инклюзив таълим йўлга қўйилган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 132 тага етди. Бу эса бир йил ичида инклюзив таълим жорий этилган мактаблар сони беш баробардан кўпроққа ошганини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида 2026 йилда яна 70 та мактабда инклюзив таълимни ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса болаларнинг ўз яшаш ҳудудидаги мактабларда тенг шароитларда таълим олиш имкониятини оширади.



Келгусида ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириш мақсадида яна 45 нафар болани мактабгача таълим ташкилотларидаги инклюзив гуруҳларга қамраб олиш режалаштирилган. Бу эса уларнинг мактаб ёшига қадар ижтимоийлашуви, коммуникатив кўникмаларини ривожлантириши ва кейинги босқичдаги таълимга тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инклюзив таълим нафақат алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болаларга, балки барча ўқувчилар учун бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Шу боис ушбу тизимни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар жамиятда инклюзив маданиятни қарор топтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

“2025 йилда мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган инклюзив гуруҳларга 113 нафар алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган бола жалб қилинди. Мутахассислар болаларнинг ривожланиш хусусиятларини инобатга олиб, улар учун мослаштирилган таълим ва тарбия муҳити яратди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ҲАР БИР КЕЧМИШ ОРТИДАГИ АРМОНЛАРНИ АРИТЯПМИЗ”



ТОШКЕНТ В.

Умида БЕКМУРОВОВА, Оққўрғон туманидаги “Бирлик” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бугунги кунда маҳалламизда 788 та оила, 640 та хонадон мавжуд бўлиб, 96 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро рўйхатга олинган. Манзилли ишлаш орқали уларнинг муаммоларига имкон қадар ечим топиш ҳаракатидамиз.

Йил бошдан буён идорамизга 150 дан ортик муурожаат келиб тушди. Уларнинг 90 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилган. Бу эса маҳаллада ижтимоий хизматлар самарадорлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Маҳалладошимиз Зухра Умарова бахтсиз ҳодиса оқибатида оёғидан жараҳат олган. Уч ойлик даволанишга қарамай, суяк битиш жараёни ижобий натижа бермади. Фуқаронинг оиласи Ижтимоий реестрда рўйхатда тургани инобатга олиниб, унинг соғлигини тиклаш учун зарур бўлган жарроҳлик амалиёти “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 15 миллион сўм миқдорда молиялаштирилди. Шунингдек, унга ногиронлик белгиланди, махсус аравача ва ҳасса тақдим этилди. Зухранинг онаси эса доимий иш билан таъминланди.

Хатлов жараёни давомида аниқланган ёлғиз яшовчи кекса фуқаро Гулжаҳон Жумановага ёлғизлик нафақаси тайинланиб, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ижтимоий ассистент бириктирилди.

“Бугунги кунда маҳалламизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдирини турганини чуқур англаган ҳолда, ижтимоий муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яна бир хонадон бекаси Турсуной Пўлатова ҳамда унинг фарзанди 1995 йилда туғилган Маҳмуджон Пўлатов II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланади. Уларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилиб, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалий ёрдам чоралари кўрилди.

Жумладан, Турсуной опа учун ҳомийлар

ногиронлик аравачаси тақдим этди, моддий ёрдам тайинланди. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари билан таъминлади. Унинг ўз-ўзига тўлиқ хизмат кўрсата олмаслиги инобатга олиниб, кундалик эҳтиёжларига кўмаклашиш мақсадида ижтимоий ассистент бириктирилди.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

САХОВАТДАН ҚАЛБЛАР ТОПАР ҲАЛОВАТ

Термиз шаҳридаги “Темир йўлчи” маҳалласида истиқомат қилувчи Ялкаповлар оиласининг узоқ йиллардан буён қурилиши битма хонадони тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.



Маржон ТОШМУРОВОВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Янги, шинам ва қўрқам хонадон байрам кунлари меҳмон кутиш билан янада файзли масканга айланди. Оила аъзоларининг юзидидаги мамнунлик эса бу эътиборнинг энг катта ифодаси бўлди.

— Йиллар давомида уй қурилишини битириш биз учун жуда катта муаммо бўлиб келди, — дейди оила бекаси Муҳаббат опа. — Баъзан умидсизликка тушган пайтларимиз ҳам бўлди. Лекин давлатимиз тақдим этган имкониятлар сабаб шундай ёруғ ва чиройли уйда фарзандларимиз билан бахтли яшаймиз. Энг муҳими, бизни унуттирмади, ҳолимиздан хабар олишди.

Оилага нафақат уй-жой масаласида кўмак кўрсатилди, бундан ташқари, моддий ёрдам ажратилиб, “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун промокод ҳам тақдим этилди.

Шунингдек, жорий йил бошида хонадон вакиллари билан бири электрон юритмали ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Кўёш панели ўрнатиш учун эса еттилик тавсиянома берди. Бу инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжманд оилаларга суянч бўлиш, жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашнинг яна бир амалий ифодасидир.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ...

Ижтимоий ходим, бу — маҳалладаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олувчи, уларга давлат тақдим этаётган хизмат ва ёрдамларни кўрсатувчи ишончли вакил.

Дилшодбек ШОДИЕВ, журналист.

Бугунги қаҳрамонимиз Яққабоб туманидаги “Шодлик” маҳалласи ижтимоий ходими Шахло Ҳамидова. У 2024 йил апрель ойидан буён ушбу ҳудудда фаолият юритиб келмоқда. У аҳолининг энг яқин сирдоши, кўмакчи-сига айлиб улгурган. Холмирза Бердиев I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида туради. Ижтимоий ходим ташаббуси билан фуқарога турмуш ўртоғи қаровчи сифатида бириктирилди. Ҳозирда хонадон аъзолари моддий ёрдам олмади. Электрон юритмали аравачаси эса Холмирза аканинг фаоллигини янада оширди.

Дилдан берилган кўмак, инсонларга чин дастак



— Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда хурсандимиз, — дейди Холмирза Бердиев. — Маҳалламизга ижтимоий ходим тайинлангача, овозгарчиликлар барҳам топди. Мушуқлимиз осон ҳал бўляпти. Бундан ташқари, уйимизга кўёш панели ўрнатиб берилди. Ҳозирда электр энергиянинг ортиқчасини сотиб, даромад топишни бошладик. Оғиримиз анча енгил бўлди.



ЯНВАРЬ-АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА чакана савдода 165,86 триллион сўм ҳамда улгуржи савдода 155,9 триллион сўм товар айланмаси қайд этилди.



ИМПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРНИ мажбурий ҚҚС тўловчиси деб тан олиш тартиби бекор қилинади.



Эндиликда даврий декларациялашда божхона божи ва солиқларни ҳар бир товар туркуми учун АЛОҲИДА ТўЛАШ мумкин бўлади.

2026 йил 3 июнь, ЧОРШАНБА

Mahalla №44

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



САМАРҚАНД

Тўғри тушунтириш — жазодан кўра таъсирчанроқ чора

Иш фаолиятим, асосан, кичик бизнес субъектлари, айланмадан олинмаган, ер ва мол-мулк солиқлари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар билан ишлашга қаратилган.

Алишер ЁҚУБОВ, Тайлоқ туманидаги “Маданият”, “Ворсин”, “Муборак” маҳаллалари солиқ инспектори.

Биргина “Маданият” маҳалласида бугунги кунда қарийб 200 нафар яқка тартибдаги тадбиркор ва 90 га яқин юридик шахс фаолият юритяпти. Уларнинг ҳар бири билан индивидуал ёндашув асосида ишлаш, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни тушунтириш ва солиқ маданиятини ошириш асосий вазифалардан биридир. Жараёнда **ноқонуний тадбиркорлик билан шугулланаётган фуқаролар** ҳам учраб туради. Бундай ҳолатларда дарҳол жарима қўллаш ёки босим ўтказиш йўлини эмас, аввало, уларга қонуний фаолият юритишнинг афзаллигини тушунтириш, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан



Мазкур тартибнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишни таъминлашдир. Амалиётда шундай ҳолатларга дуч келамизки, айрим ер эгалари ёки ижарачилар дала четидаги майдонларни эътибордан четда қолдиради. Натижада ер бўш қолади, сув таъминоти тизимлари атрофда бегона ўтлар кўпаяди ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилмайди. Янги тартиб бундай ҳолатларнинг олдини олади.

Масалан, маҳалламиз худудидаги фермер ҳужаликларидан бирида канал бўйидаги кичик майдон узок вақт давомида экинсиз қолган эди. Урганиш давомида бунинг сабаби техника ва ишчи кучи етишмаслиги би-

лан боғлиқ экани аниқланди. Фермер билан суҳбат ўтказилиб, мавжуд имкониятлар тушунтирилди ва майдондан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди. Натижада қисқа муддат ичида ушбу ерга мақбул

ўтишлари учун амалий кўмак бериш йўлини танлашди.

Шунингдек, солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошира олмай қолган тадбиркорлар билан ишлашда уларнинг шароитини урганишга ҳаракат қиламан. Баъзан вақтинчалик молиявий қийинчиликлар туфайли қарздорлик юзага келади. Бундай вазиятларда уларга мавжуд имкониятларни тушунтириб, солиқ мажбуриятларини имкон қадар тезроқ бажаришига кўмаклашамиз. Албатта, бу жарима қўлланилмайди, дегани эмас. Қонунчиликка кўра, муддатидан кечиктирилган солиқ учун тегишли молиявий жавобгарлик мавжуд. Бироқ тўғри тушунтириш ва мулоқот кўп ҳолларда ижобий натижа беради. Сўнгги пайтларда қонунчиликдаги **ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган ўзгаришлар** амалий фаолиятда муҳим ўрин тутяпти. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Солиқ кодексига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четидаги канал, сугориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда белгиланган муддатларда мақбул экин экилмаган тақдирда, маъмурий жавобгарлик юзага келади. Бундан ташқари, мазкур майдонларнинг фойдаланилмай қолган қисми учун ер солиғи ставкаси уч барабар миқдорда оширилган ҳолда ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ базасини товарларнинг бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш орқали тенг рақобат муҳитини яратиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

“Қоғозда арзон” савдоларга чек қўйилади

Анвар ҒАФУРОВ, Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи.

Мазкур қарор билан айрим товарлар, аввало, кўчмас мулк объектлари ва қурилиш материаллари бўйича солиқ базасини бозор қиймати асосида ҳисоблаш тартиби тасдиқланди. Янги тизим бозорда узок йиллардан бўён сақланиб келаётган “қоғозда арзон” савдоларга қарши таъсирчан восита бўлади. Маълумки, амалиётда айрим уй-жойлар ёки товарлар ҳужжатларда ҳақиқий бозор баҳосидан анча паст қийматда расмийлаштирилиб келинган. Бу орқали айрим сотувчилар ва тадбиркорлар солиқ юкини сунъий равишда камайтиришга ҳаракат қилган. Натижада давлат бюджети-га тушиши лозим бўлган маблағлар қисқарган, бозорда эса нотенг рақобат муҳити юзага келган.

Янги тартибга кўра, агар шартномада кўрсатилган нарх бозор баҳосидан 20 фоиздан ортиқ фарқ қилса, солиқ ташкилотлари солиқ базасини қайта ҳисоблаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда таққосланадиган бозор нархлари усули қўлланилади. Агар маҳсулот нархи бозор нархидан 20 фоизгача фарқ қилса, ҳеч қандай қўшимча солиқ ҳисобланмайди.



СўРАГАН ЭДИНГИЗ...

Бекзод АСҚАРОВ, Сирдарё вилояти:

— **Тадбиркорлик субъектида харидорларга чек берилмагани юзасидан келиб тушган мурожаатлар асосида сайёр солиқ текширувлари тез-тез ўтказилмоқда. Айрим ҳолларда текширувга келган ҳодимлар солиқ ташкилотига юборган ҳужжатларимизни қайта-қайта сўрашди. Текширувда бу ҳужжатларни талаб қилиш тўғриси?**

СОЛИҚ АУДИТИ НЕЧА МАРТА ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН?



Сухроб ТАВБОЕВ, Сирдарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Солиқ кодексининг 143-моддасига кўра, солиқ ташкилотлари сизда айнан бир солиқ даври ва бир турдаги солиқлар бўйича такроран солиқ аудити ўтказишга ҳақли эмас. Бироқ қонунчиликда назарда тутилган бошқа турдаги солиқ назорати тадбирларини ўтказиш мумкин.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 146-моддасига асосан, солиқ аудити ўтказиётган мансабдор шахс сиздан текширув учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Аммо каммерал ёки сайёр солиқ текширувлари давомида аввал солиқ ташкилотларига тақдим этган ҳужжатларингизни, шунингдек, солиқ мониторингингиз жараёнида тасдиқланган нусхалари топширилган ҳужжатларини сиздан қайта талаб қилиши мумкин эмас.

Шу сабабли, агар солиқ назоратчиси илгари тақдим этган ҳужжатларингизни қайта сўраётган бўлса ёки бир хил давр ва бир хил солиқлар бўйича такрорий аудит ўтказиётган бўлса, сиз ушбу ҳаракатларнинг қонуний асосларини сўрашга ҳамда ўз ҳуқуқларингизни белгиланган тартибда ҳимоя қилишга ҳақлисиз.

“БУГУНДАН НАРХ ОШДИ”, деган гап ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз!

Замонавий ҳуқуқий жамиятнинг пойдевори, бу — томонларнинг ўзаро келишувига асосланган мажбуриятларнинг дахлсизлигидир. Ҳар қандай келишув, у хоҳ йирик тадбиркорлик субъектлари ўртасида бўлсин, хоҳ оддий фуқаролар орасида, энг аввало, барқарорлик ва қутилаётган натижага ишончни ифодалаши лозим.

Анбарой ЖУМАОБЕВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Кўп ҳолларда томонлардан бирида аввалдан белгиланган шартларни қайтадан кўриб чиқиш истаги уйғонади. Мана шу нуқтада манфаатлар тўқнашуви юзага келади: бир томон ўз фойдасини максимал даражага кўтаришга интилса, иккинчи томон шартноманинг дастлабки барқарорлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Ўртада энг муҳим савол туғилади — шартнома шартларини, хусусан, тўлов миқдорини бир томонлама ўзгариши ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик асосли?

Ҳозирги кунда уй-жой ижараси шартномасини тузаётганлар жуда кўп. Шартнома икки томонлама имзоланган, бу икки тараф учун ҳам бир қатор мажбуриятлар ва ҳуқуқларни келтириб чиқаради. Ижарачи олинган уйни яхши сақлаш олмас, унга путур етказса, шартнома шартларини вақтида бажармаса, бу ижара шартномасининг бекор бўлишига олиб келиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 382-моддасига биноан, шартнома томонларнинг келишувига мувофиқ, ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Яъни асосий қоида — ўзаро розилиқдир. Агар сиз ўз ижараси бўйича шартнома имзолаган бўлсангиз, ундаги рақамлар шунчаки маълумот эмас, балки қонуний мажбуриятдир. Бундан кўриниб турибдики, бир томоннинг розилиғи билан ўзгариш қонунга хилоф ҳисобланади.



Яна бир жиҳат — айрим ҳолларда уй-жой ижарасида расмий шартнома тузилмайди. Яъни оғзаки шартнома асосида тураржой олинади. Бироқ маълум вақтдан сўнг, муаммо келиб чиқса, уй эгасининг тўлов миқдори бўйича айтган гапини исботлаб бериш қийин кечади. Шу боис шартнома тузиш иккала тараф учун ҳам маъқул. Шу ўринда кўпчиликда уй эгаси “нархлар ошди, энди фалон пул тўлайсиз”, деб шарт қўйишга ҳақлими, деган савол

юзага келиши табиий. Бу масалада бир нечта муҳим ҳуқуқий жиҳатлар мавжуд. Агар ижара шартномасида “Уй эгаси бозор нархидан келиб чиқиб, ҳар б ойда тўлов миқдорини маълум фоизга ошириш ҳуқуқига эга”, деган банд бўлса ва ижарачи буни имзолаган бўлса, уй эгасининг ҳаракати қонуний ҳисобланади. Чунки ижарачи шартнома тузиш пайтида бу шартга ўз иродаси билан розилик берган. Агар қонунда ёки шартноманинг ўзида бошқача тартиб

аниқ кўрсатилмаган бўлса, ижара ҳақи миқдори бир томонлама ўзгарилишига йўл қўйилмайди. Яъни уй эгасининг “бугундан нарх ошди”, деган гапи ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз ҳисобланади. Аксариат ижара олувчилар оғзаки келишув ҳуқуқий ҳимояни таъминлайди, деб хатога йўл қўймоқда. Фақатгина солиқ ташкилотларида рўйхатдан ўтган ёзма шартнома — ижарачининг нарх ўзгаришидан ҳимояланишининг ягона кафолатидир.

Масалан, маҳаллалардаги қурилиш маҳсулотлари билан шугулланувчи тадбиркор ёғоч маҳсулотини бозордаги ўртача нархдан анча қимматга харид қилган бўлса, ортиқча қисм бўйича ҚҚС ҳисоб-китоблари қайта кўриб чиқиши мумкин. Лекин бу ҳолатда ҳам тадбиркорга дарров жарима қўлланилмайди. Қонунчиликда қўшимча ҳисобланган солиқларга нисбатан молиявий жарималар назарда тутилмаган. Маҳаллаларда тадбиркорлар билан учрашувларда кўпроқ шу масалаларни тушунтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Чунки кўпчилик янги тартибни нотўғри тушуниб, ҳар бир нарх ўзгариши учун жарима бўлади, деб ўйлайди. Шу сабабли тадбиркорларга тавсия берамизки, маҳсулотларни харид қилиш ва сотишда бозор нархларини инобатга олиш зарур, ҳужжатларини тўғри юритиш лозим ва бирор савол туғилганда, солиқ ташкилотларига мурожаат қилишдан тортинмаслик даркор.

Очиқ мулоқот ва тўғри тушунтириш орқали ҳар қандай масалани қонуний ва адолатли ҳал қилиш мумкин.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шахноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ҲУҚУҚ



Ўзбекистонда ўқувчиларни ёзда оромгоҳларга ташийдиган МИНГДАН ОРТИҚ АВТОБУС техник кўриқдан ўтказилди.



Навоийда 1 минг доллар порани рад этган йўл-патруль хизмати ходими 12,3 МИЛЛИОН СЎМ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ.



Сергели машина бозоридagi 100 нафар ОЛИБСОТАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТИГА чек қўйилди.

8

Mahalla №44

2026 йил 3 июнь, ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ТОШКЕНТ В.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ОДАМЛАРНИНГ ТИНЧ ВА ОСУДА ЯШАШИ, БЕДОР КУНЛАРИМИЗ ШАРОФАТИДАН...”

... худуддаги умумтаълим мактаби ўқувчилари билан очик мулоқотимиз бу гал ноанъанавий шаклда ўтди. Аслида, ҳафтанинг ҳар пайшанба кунда бундай учрашув одат тусини олган. Аммо навбатдаги очик мулоқот ўзгачароқ кечди. Яъниким, тадбирда Ички ишлар академияси раҳбарияти ҳам иштирок этиб, ўғрилиқ, талончилик, кучли таъсир этувчи воситаларни тарқатиш каби қилмишлар учун жавобгарлик масаласига алоҳида тўхталди, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари бўйича огоҳландирди. Жараёнда айримларнинг муаммосига ечим топилди, хос саволлар юзасидан тушунтиришлар берилди.



Меҳридин МАЛЛАЕВ, Қибрай туманидаги ички ишлар бўлимининг 1-сонли маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика бош инспектори.



Дарҳақиқат, “Зебунисо” маҳалласида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар жорий йил янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Президент раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан манзилли ишлар бажарилмоқда.

“Пойтахт намунаси” лойиҳаси асосида барча кўчалар 30 та қўзатув камераси билан жиҳозланди. Аҳоли “Менинг инспекторим” иловасига уланди. Кейинги босқичда уларга замонавий кўриқлаш воситаларининг аҳамияти тушунтирилиб, самарали фойдаланиш бўйича тарғиб-бот-профилактик тадбирлари тизимли равишда ташкил этилмоқда. Бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқий онги оширилиб, турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган кўникмалар шакллантирилмоқда.



Яна бир эътиборли жиҳат, янги амалиёт доирасида маҳалламизга масъул раҳбарлар, академия ўқитувчилари бириктирилди. Улар иштирокида аввал содир этилган жиноятлар илмий асосда таҳлил қилиниб, зарур хулосалар чиқарилди. Натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳалланинг криминоген вазияти барқарорлашиб, “яшил” тоифага ўтди. Лекин бу ишлашдан тўхтаб қолишни англабмайди.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

Яқингача эътибордан четда, ўз муаммоларига ўзи ўралашиб қолган маҳалла эдик. Қишлоқда газ қувурлари ишдан чиққан, электр таъминотида узилишлар рўй бериши натижасида кўчалар зиминонга айланганди. Ички йўллар бутунлай яроқсиз, қиш ойларида лой кўчалардан юриб бўлмасди. Кўп қаватли уйларнинг тоmidан чакка ўтиб, иситиш тизими деярли ишламасди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли яшаш тарзи ҳаминқадар, муаммолар ҳам шунга яраша кўп эди.



СИРДАРЁ

МАҲАЛЛАГА “КЎЗ” БЎЛАДИГАН ХОДИМЛАРГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

Фаррух АҲМАДОВ, Ховос туманидаги “Ховосбод” маҳалласи профилактика инспектори.

Ихтиёт, қийинчиликлар ортада қолди. “Обод қишлоқ” дастури асосида маҳалламиз янги кўринишга келди. Бунинг натижасида барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Айниқса, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, оилавий низоларнинг олдини олиш осонлашди. Чунки аҳоли бандлиги таъминланиб, ишсизликка барҳам берилди, одамларнинг яшаш шароити яхшиланди. Жорий йил давомида бирорта ҳам жиноят содир этилмагани бу фикримизга яққол исботлади. “Яшил” тоифадаги худудга айландик.

Бир қарашда, ҳаммаси оддий. Четдан қараган кишида аслида шундай бўлиши керакдек, тасаввур уйғонади. Лекин бу натижага эришишнинг ортидаги меҳнат ва машаққатни кўз билан чамалаб, сўз


билан ифодалаб бўлмайди. Зотан соҳада салгина эътиборсизлик бутун фаолиятимизга соя солиши турган гап. Ҳеч бир ходим ўз йўналишида бир зумга бўлса-да, хотиржамликка берилмайди.

Шахсан ўзим маҳалла раиси Фаррух Ашурбоев бошчилигида иш кунини аниқ режа асосида ташкил этиб бораман. Мисол учун, эрталаб ишни мактабдан бошлаб, “Тиг”, “Давомат” каби тадбирлар ўтказамиз. Сўнгра “маҳаллабай” шаклда оилалар аҳолини ўрганамиз. Жумладан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мирзо Улуғбек тумани тажрибаси асосида ҳафтанинг икки кунини “Оила кўни” деб эълон қилганмиз. Бу жараёнда оилавий низоларни бартараф этиш, ажралиш ёқасидаги оилаларни яраштириш ҳамда уларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам бериш тизимини йўлга қўйганмиз. Ўтган йили бешта ажралиш ёқасидаги оилани яраштирган эдик. Бу йил иккита шундай салбий ҳолатнинг олди олинди. Муаммонинг сабабини ўрганганимизда, фарзандсизлик, ичкиликбозлик ва оиладаги нотинчлик, миграция ҳамда моддий етишмовчиликлар экани аниқланди. Бу каби ҳолатларни бартараф этиш мақсадида аниқ тадбирлар олиб борапмиз.

Одамларда оилага бўлган муносабатни ўзгартиришга интиляпмиз. Ажралишлар яхши оқибатга олиб келмаслиги, оила — муқаддас кўрган эканлигини



Сўнги йилларда кўчалар ва кўп қаватли уйларнинг кириш қисми қўзатув камераси билан таъминлангани жиноятларни жиловлашда яхши самара бермоқда. Аммо жараёнда улардан фойдаланиш бироз қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис ҳеч бўлмаганда туман миқёсида барча маҳаллалар учун хизмат кўрсатувчи ходим ажратилса, янада фойдали бўлар эди.



Ўшбу сондаги барча мақолалар матини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

бола онгига сингдиришни мактабдан бошляпмиз. Шу билан бирга, тинчлик, барқарорлик ва шукроналик туйғусини кучайтиришга оид тарғибот ва маънавий-маърифий ишларни амалга оширяпмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИБЕРЖИНОЯТ ҚУРБОНИ БЎЛМАЙСИЗ, АГАР...

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Албатта, бор. Ички ишлар вазирлиги мутахассислари “АРК Кўриқчи” иловасини ишлаб чиққан бўлиб, у орқали фуқаролар ўз қирилмаларининг хавфсизлигини доимий назорат қилиб боришлари мумкин.

Дастурининг асосий вазифаси шубҳали сайтлар ва фишинг хаволатлардан келадиган хавфни дарҳол тўхтатади. Телефон хотирасига сиз билмаган ҳолда ўрнашиб олмақчи бўлган вирусларни блоклайди. Зарарли эканлиги аниқланган ҳар қандай арк файлни телефонга ўрнатилишига йўл қўймайди. Қурилмангизни туну кун яширин ҳужумлардан ҳимоя қилади.

Достонбек ТИЛЛАЕВ, Учқудуқ тумани:

— Маълумки, бугунги кунда рақамлаштиришнинг юқори суръатларда ривожланиши таъсирида жиноятлар шакллари ва уни содир этиш усуллари ҳам замонавийлашиб, ахборот технологиялари шахса ва унинг мулкига таъжовуз қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, кибержиноятчиликнинг содир этилишида асосий омил бўляпти. Мана шу каби жиноятчиликнинг осон ўлжасига айланиб қолмаслик учун ҳимоя усуллари борми?



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 919 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

